

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

132 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 18 февралдаги ПҚ–2492-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 18 февралдаги ПҚ–2492-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати давлат-акционерлик концерни («Ўзозиковқатсаноат»)нинг Уставини тасдиқлаш тўғрисида» 1993 йил 30 августдаги 435-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 5 апрель,
103-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 5 апрелдаги 103-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 3 июлдаги 281-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) 1-иловада:

а) 31-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 32-банддаги «Озиқовқатсаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссия ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 32-иловадаги «Лавозими бўйича — Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси» сўзлари «Рустамов О.Б. — «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга илованинг 32-бандидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда) 2-иловадаги «Бажариш учун масъуллар» устунининг 131-позициясидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илова 32-бандининг «Масъуллар» устунисидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Бразилия Федератив Республикасидан соя дуккаклари харид қилишни ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 22 июлдаги 209-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловага изоҳдаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек инвестиция лойиҳалари юзасидан ташаббус кўрсатиш ва амалга ошириш учун масъул йирик корхоналарнинг таркибий бўлинмаларини мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) 1-илованинг 11-бандидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти Наманган муҳандислик-технология институтига айлантириш тўғрисида» 2011 йил 25 июлдаги 212-сон қарорига иловада:

а) I бўлимнинг «Масъул бажарувчилар» устуни 8-позициясидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) II бўлимда:

«Масъул бажарувчилар» устунининг 1-позициясидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позицияда:

«Тадбирлар номи» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъул бажарувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) III бўлимнинг «Масъул бажарувчилар» устуни 1-позициясидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани самарали тасарруф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 28 мартдаги 75-сон қарорига 1-иловадаги 21-позиция чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «2014 — 2018 йиллар учун техник рег-

ламентларни ишлаб чиқиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 30 июлдаги 207-сон қарорига иловада:

а) 15, 31⁴, 31⁵ ва 31⁸-позицияларнинг «Ҳамижрочилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 22, 23, 25 ва 31⁹-позицияларнинг «Ишлаб чиқувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 24-позициянинг «Ишлаб чиқувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 31-позициянинг «Ҳамижрочилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарорига 1-иловадаги «Салимов А.Х. — Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси» сўзлари «Рустамов О.Б. — «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида» 2015 йил 29 майдаги 142-сон қарорида:

а) 4-банддаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

I бўлимда:

I кичик бўлимнинг 3 ва 4-позициялари «Лойиҳа ташаббускорлари ва масъул бажарувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

II кичик бўлимнинг 2-позицияси «Лойиҳа ташаббускорлари ва масъул бажарувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

IV кичик бўлимнинг 5-позицияси «Лойиҳа ташаббускорлари ва масъул бажарувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлимда:

III кичик бўлимнинг 1-позицияси «Лойиҳа ташаббускорлари ва масъул бажарувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

V кичик бўлимнинг 4-позицияси «Лойиҳа ташаббускорлари ва масъул бажарувчилар» устунидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-иловадаги «Салимов А.Х. — Озиқ-овқат саноати корхоналари

уюшмаси раиси» ва «Омонов Ф.Б. — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси» сўзлари тегишли равишда «Рустамов О.Б. — «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК бошқаруви раиси» ва «Камалов А.С. — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро тиббий-санитария қоидаларини татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 31 июлдаги 220-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 7-сон, 66-модда) 2-илованинг 11-бандидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 29 августдаги 251-сон қарорига 2-илованинг 7, 8, 9 ва 16-позициялари «Масъул бажарувчилар» устундаги «Озиқовқатсаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2019 йиллар даврида ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан комплекс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, Гулистон шаҳрини архитектуравий-режали қуришни тубдан янгилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида» 2015 йил 9 сентябрдаги 262-сон қарорида:

а) 2-илова III бўлими 5-позициясининг «Масъул бажарувчилар» устундаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-иловадаги «Салимов А.Х. — Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси» ва «Омонов Ф.Б. — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси» сўзлари тегишли равишда «Рустамов О.Б. — «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК бошқаруви раиси» ва «Камалов А.С. — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «2020 йилгача бўлган даврда Миллий инфратузилма сифатини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 19 октябрдаги 298-сон қарорида:

а) 1-илованинг 87, 88 ва 89-позициялари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

	«Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК		18 882,1	
87.	«Ўзпахтасаноат» АЖ пахта толаси, чигит ва пахта хом ашёсининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун асбоб-ускуналар харид қилиш	2016 — 2019 йиллар	18 812,1	Ўз маблағлари
88.	«Ёғ таҳлил сервис» МЧЖ мойнинг ёғ-кислота таркибини аниқлаш учун синаш асбоб-ускуналари харид қилиш	2019 йил	70,0	Ўз маблағлари

	«Ўзбекиқовқатхолдинг» ХК		5,0	
89.	«Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan, LTD» МЧЖ учун газ анализатори харид қилиш	2019 йил	5,0	Ўз маблағлари

»;

б) 3-иловинг IV бўлими 1 ва 4-позицияларининг «Ташкилотнинг номи» устунидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» ва «Озиқ-овқат саноати қорхоналари уюшмаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» ва «Ўзбекиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.